



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000


1. Зайнаб Абидова ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ ВА МЕЪМОРИЙ ТУЗИЛИШИ.....	4
2. Гулзода Алимова АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТАРИХНАВИСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	11
3. Дилорам Бабажанова АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ – ЎРТА АСР БУЮК ДАҲОСИНИНГ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	18
4. Iqbol Jabbarova QASHQADARYO VOHASIDA IRRIGATSIYA INSHOOTLARI QURILISHI, YERLARNING SUG‘ORILISHI TARIXI.....	26
5. Дилнавоз Рахматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИДА ҚЎШИБ ЁЗИШ ОПЕРАЦИЯСИ СЦЕНАРИЙСИ.....	33
6. Сохиба Сулайманова СУҒД ВОҲАСИДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСУЛЛАР.....	38
7. Икромжон Умаров СУРҲОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	45
8. Акмал Менглибоев СУРҲОНДАРЁ ОКРУГИДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЧОРАЛАР.....	65
9. Firyuza Muxitdinova DUNYO OLIMLAR TANHLILIDA ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR ILMIY MEROSINING O‘RGANGANLIK HOLATI VA ANAMIYATI.....	76
10. Нигина Султонова БУХОРО МИЛЛИЙ ЛИБОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	83
11. Одилжон Хамидов БАКТРИЯ САТРАПЛИГИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ.....	89
12. Nodira Hasanova SO‘NGGI O‘RTA ASRLARDA O‘RTA OSIYODA HUNARMANDCHILIK MARKAZLARINING TAKOMILLASHTIRILISHI.....	95



Икромжон Ибрагимович Умаров,
Термиз Давлат университети катта ўқитувчиси,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
email: lochin-umarov@mail.ru

СУРХОН ВОҲАСИДА РУС КАПИТАЛИНИНГ ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

For citation: Ikromjon I. Umarov. ACTIVITIES OF RUSSIAN CAPITAL IN THE SURKHAN OASIS AND ITS RESULTS. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 8, pp.45-64

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8217936>

АННОТАЦИЯ

Бухоро амирлиги Россия империясининг вассалига айлангандан кейин, мамлакатда русларнинг мавқеи ҳар томонлама мустақкамланди. Ўлкадан мумкин қадар кўпроқ даромад олишни интиланган рус капитали йирик пахтачилик плантацияларини ташкил этишга киришди. Ўзлаштирилган бойликларни арзон ва қулай ташиб кетиш мақсадида янги темир йўллар қурилди. Эски йўллар ўрнида почта-телеграф йўллари барпо этилди. Амударёга замонавий пароходлар олиб келиниши натижасида юк ташиш ҳажми кескин кўпайтирилди. Ушбу мақолада рус капиталининг Сурхон воҳасидаги фаолияти ва унинг натижалари ёритилади.

Калит сўзлар: Термиз, Паттақесар, Навшаҳар, Амударё флотилияси, «Шеробод» акционерлик жамияти, А.Г.Ананьев, С.П.Максимов.

Икромжон Ибрагимович Умаров,

Старший преподаватель Термезского государственного университета
доктор философии (PhD) по историческим наукам

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РУССКОГО КАПИТАЛА В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ И ЕЕ РЕЗУЛЬТАТЫ

АННОТАЦИЯ

После того как Бухарский эмират стал вассалом Российской империи, положение русских в стране всемерно укрепилось. Русский капитал, стремясь получить как можно больше прибыли от страны, начал создавать крупные хлопковые плантации. Были построены новые железные дороги, чтобы дешево и удобно перевозить приобретенное богатство. Вместо старых дорог были построены почтово-телеграфные пути. В результате ввода в Амударью современных пароходов резко возрос объем грузоперевозок. В данной статье освещается деятельность русского капитала в Сурханском оазисе и ее результаты.

Ключевые слова: Термез, Паттақесар, Навшаҳар, Амударьинская флотилия, Акционерное общество «Шерабад», А.Г.Ананьев, С.П.Максимов.

Ikromjon I. Umarov
Senior Lecturer, Termez State University
Doctor of Philosophy (PhD) in Historical Sciences

ACTIVITIES OF RUSSIAN CAPITAL IN THE SURKHAN OASIS AND ITS RESULTS

ABSTRACT

After the Emirate of Bukhara became a vassal of the Russian Empire, the position of the Russians in the country was strengthened in every possible way. Russian capital, seeking to get as much profit from the country as possible, began to create large cotton plantations. New railroads were built to transport acquired wealth cheaply and conveniently. Post and telegraph tracks were built instead of old roads. As a result of the introduction of modern steamships into the Amu Darya, the volume of cargo transportation has sharply increased. This article highlights the activities of Russian capital in the Surkhan oasis and its results.

Index Terms: Termez, Pattakesar, Navshakhar, Amu Darya flotilla, Joint-stock Company «Sherabad», A.G. Ananiev, S.P. Maksimov.

1. Долзарблиги:

Сурхон воҳаси жуда катта ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлганлиги рус капиталининг диққатини ўзига қаратди. Айниқса, Россия империяси даврида воҳада йирик пахтачилик плантацияларини ташкил этиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилган эди. Негаки, чор Россиясининг пахта хом ашёсига тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кўплаб суғориладиган ер майдонлари зарур эди. Шу мақсадда воҳада йирик сув иншоотлари барпо этиш ва янги ерларни ўзлаштиришга жуда катта маблағ ажратилди. Янги аҳоли пунктлари, пахта тозалаш заводлари, омборхоналар барпо этилди. Замонавий техникаларни қўллаш бошланди. Ўлка бойликларини арзон ва қулай ташиб кетиш мақсадида арава ва темир йўллар қурилди, Амударёда пароход қатнови йўлга қўйилди. Бу эса, рус мустамлакачилари томонидан ўтказилган сиёсатни реал фактлар асосида ёритиш долзарб вазифага айланиб бораётганлигидан далолат бермоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолани ёритишда қиёсий таҳлил, худудий ёндошув, хронологик изчиллик, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди. Унда XIX аср сўнги – XX аср бошларида рус капиталининг Сурхон воҳасидаги фаолияти ва унинг натижалари очиқ берилди.

Сурхон воҳасида рус капиталининг фаолияти бўйича илк тадқиқотлар Россия империяси давридаёқ яратилган эди. Бунга Д.Н.Логофет, А.Г.Ананьевларнинг асарларини кўрсатишимиз мумкин. Совет даврида А.Рябинский, Х.Холиёров, Д.Бичков каби тадқиқотчилар рус мустамлакачиларининг ўлкадаги ишлари хусусида архив материаллари асосида жуда қимматли маълумотлар келтирадilar. Мустақиллик йилларида Ш.Сафаров, С.Турсунов, Э.Қобулов, Т.Пардаев сингари олимлар ўз асарларида Сурхон-Шеробод воҳасида янги арава ва темир йўлларнинг қурилиши, суғориш иншоотларини қуриш учун олиб борилган ишлар тўғрисида муҳим маълумотларни келтириб ўтадилар. Сўнги йилларда, архив материалларини ўрганиш жараёнида янгидан-янги маълумотлар қўлга киритилди. Бу эса, ушбу мавзунини ўрганиш ханузга қадар давом этаётганлигини кўрсатади.

3. Тадқиқот натижалари:

Россия империяси Бухоро амирлигини ўз вассалига айлантириб олганидан сўнг, унинг бойликларини арзон ва қулай ташиб кетиш, ўлкани Англияга қарши ҳарбий плацдармга айлантиришга интилди. Шу мақсадда империя ҳукумати Бухоро амирлигининг шарқий ва жанубий бекликларида йирик мудофаа иншоотларини қуриш, рус қишлоқларини яратиш, Амударё орқали ўтувчи барча кечувлар ва савдо йўлларини қўлга киритиш, йирик пахтачилик плантацияларни ташкил этишга киришди[1].

Россиянинг Шарқий Бухоро бекликларига қизиқишининг икки сабаби бор эди: биринчидан, Афғонистон худуди орқали инглизларнинг Ўрта Осиёга кириб келишининг

олдини олиш, иккинчидан, рус маҳсулотлари учун арзон бозорни шакллантириш, тўқимачилик фабрикаларини пахта билан таъминлаш. Чор ҳукумати, Бухоро амирлигининг жанубий сарҳадлари орқали ўтадиган йўللарни ўрганиш учун ўзининг элчилиқ, жосуслиқ экспедицияларини Бойсун ва Шеробод беклигига жўнатганди. Айниқса, Афғонистон билан боғлиқ чегара масаласини ҳал этиш муҳим вазифа сифатида қаралди [2].

Россия ҳукумати инглизларнинг ўзбек хонликлари ички ишларига аралашувига йўл қўймаслик мақсадида 1873 йил 19 январда Амударёнинг сўл қирғоғидаги Бухоро ерлари бўлмиш Бадахшон, Афғон Туркистони ва Ваханни Афғонистонга тортиқ қилди. Ўртадаги чегара сифатида Амударё белгиланди [3].

1873 йил 28-сентябрда тузилган Россия-Бухоро шартномаси 17 моддадан иборат бўлиб, унинг 3-моддасида: «Бухоро амирлигига қарашли Амударё қисмида Бухоро кемалари ва рус пароходлари, шунингдек, бошқа флот кемалари қаторида ҳукумат ҳамда шахсий кемаларга эркин сузишга рухсат берилади» дейилса, 4-моддасида: «Керак ва қулай бўлган Амударёнинг Бухоро қирғоқларида руслар ўзининг тўхташ жойи ва товар омборлари қуришга ҳақлидир», деб ёзилган эди [4]. Каркидан то Вахш дарёсининг қуйилиш жойларигача бўлган ерлар руслар учун стратегик аҳамиятга эга ерлар деб ҳисобланди.

Инглизларнинг фаоллиги ортганлиги сабаб чор ҳукумати Бухоро амири билан қўшимча шартнома тузишга мажбур бўлди. 1888 йил 23 июнда имзоланган битимга кўра, рус фуқаролари Янги Бухоро, Чоржўй, Керки шаҳарларида яшашлари мумкин деб топилди [5]. Бундан ташқари, мазкур баённомада асосан Амударё қирғоқлари бўйлаб рус манзилгоҳларини барпо этиш кўзда тутилди.

Бугунги Термиз ўрни бундан 2 аср илгари бўш жой бўлган. Эски Термиз халқ томонидан Зуннуобод дейилган. Сурхонбўйи Термизи эса Шаҳри Ғулғула деб аталар эди. XVIII аср бошларидан то XIX аср 70-йилларига қадар ҳар иккиси ҳам хувиллаб ётар эди. XIX аср биринчи ярмида Сурхон дарёсининг Амударёга қуйилиш қисмидаги Паттакесар кечувининг аҳамияти тобора орта бошлайди. Салавот аҳолиси қайирда ўсадиган патта бутасини кесиб, ўтин қилар, шундан бу жой Паттакесар номини олган эди. Паттакесарнинг илк аҳолиси ҳам бута кесувчилар бўлган. Уларнинг сони олдинга унча кўп бўлмай, тахминан 50-60 хўжалиқни ташкил этган. Географик жиҳатдан Паттакесар ҳозирги Термиз дарё портидан то Термиз ғишт заводигача бўлган дарё бўйи ҳудудларини, аниқроғи, қайир қисмини ўз ичига олган эди. XIX аср иккинчи ярмидан Паттакесарга Амударё бўйлаб туркман қабилалари кўчиб келишади. Натижада қишлоқ аҳолиси сезилари даражада ошади. Паттакесар қишлоғи бугунги дарё портидан то шаҳар марказига қадар чўзилган, уйлари пахса ёки хом ғишдан қурилган, тор ва эгри-бугри кўчалардан иборат эди. Айрим жойларда ярим кўчманчи аҳолининг ўтовлари кўзга ташланар эди.

Амир Абдулахад (1886-1910) ҳокимиятга чиққан вақтда юртда нисбий осойишталик қарор топган, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун қулай имконият юзага келган эди. Ташқи савдони ривожлантиришда Паттакесар кечувининг ўрни бекиёс эди. Буни ҳисобга олган амир ва унинг савдогарлари Паттакесарда ўз савдо омборхоналари ва уйлар қура бошлашди.

Бу хабар Россия маъмурларига бориб етгач, улар ҳам амир барпо этаётган шаҳарда ўз таянч истехкомларини яратишга ҳаракат қилишади. Негаки, бунда бутун чиқим асосан амирлик зиммасига тушар эди. 1893 йил 15 январда Бухоро амири Абдулахадхон Санкт-Петербургга чақириб олинади. Амир Паттакесар қишлоғида рус кўшинларининг жойлаштирилишига розилиқ беради. Ўша куни тузилган Россия-Бухоро шартномасига биноан Термиз ҳудуди рус подшосига «совға сифатида тортиқ этилади». Бухоро амири маҳаллий бекларга рус маъмурларига ёрдам беришни буюради. Шундан кейин бу ерга 7-чегара округига қирувчи рус ҳарбий қисмларини жойлаштириш ишлари бошлаб юборилади [6].

1894 йил 12 декабрда Термиз харобаларидан 8 км нарида Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиш қисмида кема тўхташи учун қулай бўлган Паттакесарга 31-Амударё рус ҳарбий чегара бригадаси қўшинлари келиб ўрнашади. Амударё бригадасининг командири полковник

Костевич бўлиб, бир вақтнинг ўзида у уезд бошлиғи вазифасини ҳам жамоатчилик асосида бажарган эди.

Паттакесарга келган рус қўшинлари беш йўналиш бўйича кузатув назоратини ўрнатишди, яъни: 1) Шўроб кузатув пунктига 10 отлиқ, 10 пиёда, 2 эркин ёлланган ҳарбий; 2) Маймунтўқай кузатув пунктига 9 отлиқ, 10 пиёда ва 2 ёлланган ҳарбий; 3) Орол (Пайғамбар ороли) кузатув пунктига 6 отлиқ, 2 та пиёда ва 1 та эркин ёлланган ҳарбий; 4) Паттакесар кузатув пунктига 9 та отлиқ, 11 та пиёда ва 3 та ёлланган ҳарбий; 5) Айритом кузатув пунктига 8 та отлиқ, 8 та пиёда ҳарбий жойлаштирилади.

Амударё чегара бригадаси қароргоҳи Паттакесарда жойлашган бўлиб, унда 2 штат-офицери, 5 та обер-офицер, 1 отлиқ, 7 пиёда, 22 сафда турмайдиган ва 2 эркин ёлланган аскарлар хизмат қилган. Бундан ташқари, штаб ҳузурида ўқув бўлими бўлиб, унда обер-офицер, 24 отлиқ ва 2 та сафда турмайдиган аскарлар бор эди. Ҳарбий назорат, қурол-яроғ устахонаси ва омборхона ҳам штаб ҳузурида жойлашган.

Бухоро амири 31-Амударё бригадасини жойлаштириш учун зарур бўлган биноларни қуриш харажатларидан воз кечди, аммо Бойсун, Денов, Шеробод бекликларига кўрсатма бериш орқали ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

Россиянинг Шарқий Бухоро ерларидаги фаол ҳаракати Англияни ниҳоятда ташвишлантирди. Яширин йўллар орқали Афғонистон ва Бухоро амирлигини қарши қўйишга уриниб, бир неча марта турли хил фитналар уюштиришга ҳаракат қилди. Бу ҳолат Россиянинг Амударё қирғоқлари ҳудудларида эҳтиёткорона сиёсат юритишга мажбур этди ва тез вақт ичида мустаҳкам ҳарбий қалъа қуриш заруратини келтириб чиқарди. Чор ҳукумати Термизга ҳарбий қалъа сифатидагина эътибор бериб қолмасдан, балки Россиянинг ички қисмидан аҳолини кўчириб келтириш, шунингдек келажакда Ҳиндистон йўналишида ҳарбий таянч сифатида ҳам қаради.

1897 йилда подшо ҳукумати Паттакесардан то Эски Термизгача бўлган жойда «Термиз ҳарбий чегараси» деб аталувчи ҳарбий манзилгоҳ қуришга қарор қилди. 1897 йилнинг феврал ойида император Николай II нинг буйруғи билан Амударё бўлимининг маркази Петроалександровск (бугунги Қорақалпоғистондаги Тўрткўл шаҳри)дан Термизга 13-Туркистон чизикли батальони ҳамда 4-Оренбург казак полкининг юз кишилиқ отряди олиб келинади. Бундан ташқари, 9-Туркистон полкини, 6-Сибирь ўқчи полкини ва Тобин артиллерия ротасини, Тошкент дружиналарини, 546-казак дружинасини Термиз шаҳрига олиб келиб жойлаштирилади. Каттагина кучларнинг кўчирилиши Паттакесарда аскарлар учун казарма қуриш заруратини келтириб чиқарди. Рус зобити А.Раевский йўллаган хатида «Бу қисмларнинг Паттакесарга кўчириб жойлаштирилишининг ўзи инженерлик идораси томонидан у ерда буткул янги бинолар қурилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин» дейилади.

1897 йил апрелида Санкт-Петербурздан Бухорога Бош штаб подполковниги Кузнецов жўнатилади. Унга Паттакесарда казармалар қуриш учун мақбул жой топиш вазифаси юклатилди. Россия императорининг Бухородаги Сиёсий вакилига берилган хабарда подполковник Кузнецов Кишмишхона қишлоғи харобалари яқинида ҳар қандай солиқлардан озод қилинган «мулки хурд» деб аталувчи ерлардан қирқ десятинага яқин суғориладиган ер майдонини танлади [7]. Тўғри, Бухоро амири аскарларга казарма қуриш учун Сурхон дарёсининг қуйи оқими бўйлаб 9935 десятина суғорилмайдиган ерни берган эди. Бироқ, казарма қуриш учун подполковник Кузнецов танлаган жой жуда қулай эди. Чор ҳукумати ана шу ерни сотиб олишга тайёр эди.

Бу хабар хусусий мулкдорларнинг қулоғига бориб етгач, ерларни эгаларидан арзонроқ олиб, русларга қимматроқ нархда сотиш тараддудига тушиб қолдилар. Шу сабаб, чор маъмурияти Бухородаги Сиёсий Вакили Игнатъев орқали девонбеги Остонақул номига телеграмма жўнатади. Унда ушбу ерларни ўз эгаларидан адолатли нархда, яъни ҳар десятинани 150 сўмдан сотиб олишда амалий ёрдам сўралган эди. Ажратилаётган ерни баҳолаш учун амир маъмурияти Бобобек мирохурни юборди.

1897 йилнинг 31 июлида Шеробод беги ҳузурида ер сотиб олиш учун музокара олиб борилди. Натажида, чор ҳукумати маҳаллий аҳолидан 474,5 таноб яъни 123,5 десятина ерни 52500 тангага сотиб олади. Бундан ташқари, Паттакесар шимолидан 1200 десятина, сал олдинроқ, яъни, 1897 йил июнида салавотлик ака-ука Саййид Олим ва Саййид Алихўжадан 43 десятина (1 десятина 1,09 га тенг) ер сотиб олган эди. 1894-1900 йилларда ҳарбий қалъа ва шаҳар мудофаа деворлари қурилишига 57 минг рубль пул сарфлайди. Амударё чегара бригадаси кўмондони полковник Костевич уч йил давомида ҳарбий шаҳарчани барпо эттиради. Сотиб олинган ерларда ҳарбийлар учун турар жойлар, православ черкови (1896), «Офицерлар уйи», комендант уйи, касалхона, отхона, қурол-яроқ, озик-овқат омборхоналари қурилади.

Термизда бошланиб кетган қурилишда бутун амирлик аҳолиси қатнашди. Бу Абдуллахон II дан кейинги уч аср ичида амалга оширилган илк умумдавлат миқёсидаги тадбир эди. Шаҳар 20 йил давомида йирик қурилиш майдонига айланди. Қурилиш ишларида воҳа бекликлари деҳқонлари қишлоқ хўжалиги ишларини тўхтатганлари ҳолда, кунига 2 танга иш ҳақи ҳисобига иштирок этдилар. Шаҳар аҳолиси асосан қурилишда иштирок этган Шеробод ва Бойсун бекликлари аҳолиси ҳисобига ўсиб борди. Бу шаҳар Амударё бўйлаб чўзилган, ҳамда ҳозирги Термиз дарё порти, Темир Мирзаев кўчаси, саноат зонаси, Тараққиёт кўчасидан то Шимолий дарвоза оралиғидаги ҳудудни ўз ичига олган эди.

Янги Термиз икки қисмдан иборат бўлган. Рус шаҳри тўлиқ мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, асосан 1895-1898 йиллар оралиғида бунёд этилган. Унга шарқда ҳозирги Бобур боғи билан Алпомиш стадиони ўртасидан шимолда собиқ вилоят матлубот савдоси биносигача, Тараққиёт кўчаси бўйлаб то Шимолий дарвоза ва автовокзалгача бўлган ерлар қирган. Девори хом ғишт ва тупроқдан барпо этилганлиги боис маҳаллий аҳоли томонидан Тупроққўрғон деб аталди. Унинг узунлиги 10 км, қалинлиги 1,5 метр ва баландлиги 4 метр бўлган. Тупроққўрғон мудофаа деворлари жуда гўзал ва бақувват эди. Унинг асосий қисми 1930 йилларда бузиб ташланди. Бобур боғи ва Алпомиш стадиони орасидаги мудофаа девори 2000 йилда спорт иншоотлари қурилиши муносабати билан йўқ қилинди. Охириги омон қолган қисми 2018 йилнинг 20 апрелида уй-жойлар қурилиши баҳонаси билан бузиб ташланди.

Шаҳарнинг бухороликлар яшайдиган қисм Тупроққўрғондан шарқда, яъни ҳозирги Темир Мирзаев ва Ислоҳ Каримов кўчалари оралиғида барпо этилди. Бу ерда амирнинг Термиздаги қароргоҳи, Шеробод бегининг қабулхонаси, масжид, мактаб, савдо мажмуаси, йирик қарвонсарой, отхона, руҳонийлар ва савдогарлар учун турар-жойлар, телеграф, молия муассасаси қурилади. Бунёдкорлик ишларига Шеробод беги шахсан масъул қилиб қўйилди. Бек шаҳарнинг маҳаллий аҳоли яшайдиган қисмини бошқарар, қурилишни назорат қилар, жамоат тартибини сақлар эди. Вақти-вақти билан Термизга амир кўшбегиси, яъни бош вазири ҳамда девонбегиси ҳам келиб турар, шаҳардаги қурилиш ишларининг боришини назорат қилишар эди.

Янги шаҳар бинолари асосан хом ғиштан, йирик давлат амалдорларининг уйлари пишиқ ғиштан барпо этилган. Пишиқ ғиштарнинг бир қисми шаҳарнинг ўзида пиширилган. Қолган қисми Шерободдан олиб келинган. Бунда Кўхитанг тоғидан қазиб олинган тошқўмир ва ғиштбоп тупроқ эшакларга ортилиб Шерободга олиб келинар, бу ердаги хумдонларда ғишт пиширилиб, туяларга ортилар ва Термизга жўнатилар эди.

Шаҳарда амир амалдорлари учун алоҳида мажмуа бунёд этилади. Дастлаб амир, ўзи учун 1888 йилда ҳозирги шаҳар марказидаги бозор қаршида узунлиги 100 метр, эни 15 метрли уй қурдиради. Гарчи европача услубда қурилган бўлса-да, ҳар ҳолда унга шарқона тус беришга ҳаракат қилинган. Чунончи, уй қибла томонга қаратилди. Ташқи томонида иккита 5x1 метрли айвон, ички қисмида ҳам иккита узун айвон қурилди. Унинг ғарбий қисмида «П» симон шаклда меҳмонхона қурилди. Кейинги йили унинг шарқий ва шимолий қисмларида ҳам кўш айвонли учта уй қурилади. Бу уйлар ҳам қиблага қаратилиб бунёд этилган. Уй деразаларининг четлари бухоролик усталар томонидан нақшинкор ганчлар билан безатилди. Бу уйлар маъмурий иншоот бўлиши билан бирга 25 йил давомида жомеъ масжиди ҳамда мактаб вазифасини ҳам ўтаган эди.

1890 йилда шимолга қаратиб яна ўнта шундай уй қурилади. Фақат уларда олдингидек айвон йўқ эди. Аммо дреза четлари нақшинкор ганчлар билан қопланди. Бу уйлар шаҳарга келган тадбиркорларга ижарага берилди. Ҳозирги вилоят суди олдидаги чорраҳага келганда шарққа қаратиб яна учта уй солинади. Жанубий йўналишдаги қурилиш авж олиб, амир томонидан европача усулдаги ўртасида ҳовлиси бўлган усти ёпиқ тимлар барпо этилади. У ерда бундан 130 йил олдин шаҳарнинг катта савдо маркази жойлашган эди. Кўп ўтмай ушбу савдо мажмуаси ёнида машҳур «Паттакесар бозори» вужудга келди. Унинг ўрнида ҳозирги кунда шаҳар марказидаги йирик деҳқон бозори ва каттагина бекат жойлашган. Кейинчалик ҳовлили тим вилоят ҳарбий комиссариатига берилади. 1998 йилда бу иншоот йўл кенгайтирилиши туфайли бузиб ташланади. Бинонинг қолган қисми янги савдо биноси қурилиши муносабати билан 2021 йилда бузиб ташланди.

Хуллас, Амир Абдулахад томонидан барпо этилган мажмуа туб аҳоли томонидан Янги Термиз ёки Янги шаҳар деб аталди. Руслар уни «Новый город» ёки «Новый Термез» деганлар. Яъни руслар қисми ҳарбий истехком, амир қурдирган қисм эса «шаҳар» деб тушунилган. Бугунги Термиз шаҳри айнан шу ердан кенгая бошлади. Шаҳар ўса бошлаганида ҳам бу мажмуа атрофи халқ томонидан «шаҳар» дейилар эди. Янги шаҳар то 1980 йилларга қадар Термизнинг энг чиройли қисми бўлган. Унинг шарқий қисмида оддий аҳолининг турар-жойлари қад кўтарди. Мажмуанинг «шаҳар» номи билан аталиши бугунги кунга қадар давом этмоқда.

1906 йилда Термизга келган Р.Ю.Рожевиц ушбу мажмуани қуйидагича тасвирлаган: «Термиз чегараси сўнгги ўн йилликда барпо этилган бўлиб, Паттакесар билан деярли ёнма-ён қурилган ва шу номдаги катта бўлмаган қалъа туфайли мавжуд бўлиб турибди. Бутун атроф ғишт билан ўраб олинган, бир неча дарвозаси бор. Қалъадан шарқ томонда девор йўқ, унинг ўрнига сим тўсиқ тортиб чиқилган. Кўчалари кенг. Энг муҳими Куропаткин (ҳозирги И.Каримов) кўчаси шоссе қилинган. Уйлар бир қаватли, ғишдан қурилган ва уларнинг ҳаммаси подшоликка (яъни амирликка) қарашли» [8].

Чиндан ҳам, Янги шаҳарнинг шарқий қисмида ҳеч нарса қурилмаган эди. Бу ерда боғ барпо этилди. Кейинчалик ана шу шарқий ораликда шаҳар халқ таълими бўлими ва 2-сонли мактаб қурилади. Мажмуада 4 та дарвоза бўлган. Шундан иккитаси бизнинг кунларимизга қадар сақланиб қолган.

Амир ва унинг амалдорлари шаҳарга келган вақтда уларга Афғонистон томондан ҳужум уюштирилиши ҳисобга олинади. Амир уйдан 50 метр шимолда ер ости йўли – лаҳм (туннел) казилади. Лаҳмнинг эни ва чуқурлиги икки метр бўлган. Пастки қисми қумтош билан, эни ва усти пишиқ ғишт билан қопланган. Ерости йўли ҳозирги Ишонч телеканали ёнидаги ҳозирги И.Каримов кўчасига чиққан. 1989-1990 йилларда ушбу кўчадан канализация ўтказилиши муносабати билан казиш ишлари олиб борилганда бир неча жойдан пишиқ ғишт билан қопланган лаҳм йўли аниқланган. Лаҳм йўли рус истехкоми (ҳозирги Бобур боғи ёнидаги ҳарбий қисм) томон борганлиги кузатилган. Иншоот ичидаги ҳовлида лаҳм йўли 1968 йилда тасодифан аниқланган. Аммо ҳар икки топилмага нисбатан ҳеч ким эътибор бермаган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу уйга ҳужум қилинганда амир ва унинг амалдорлари лаҳм йўли орқали рус истехкомига қочишлари мумкин эди [9].

Бухоро амири 1900 йил 22 январда чоризмнинг сиқуви билан шимолда Қорақум чўли, шимоли-шарқда Сурхондарё, жануби-ғарбда Амударё билан чегараланган ва умумий майдони 10.514 десятинадан иборат ерларнинг ҳаммасини бепул фойдаланиш учун чор ҳукуматига бериш тўғрисидаги актни имзолайди. Бухоро амири пулсиз фойдаланишга берилган ерлар эвазига унга рус генерали чини, яъни унвонини беришни ёхуд «Андрей Первозванный» олий белгиси билан мукофотлашни талаб этади. Амир талаби қондирилиб, унга рус генерали унвони берилади.

Шеробод беклигининг катта қисмида рус армияси ва фуқароларининг яшаши, Шарқ давлатлари билан Россия ўртасида савдо алоқаларига эътиборнинг ошиб бориши, Шеробод, Термиз, Паттакесар бозорларининг омбор вазифасини ўташлари савдо-сотиқнинг жадал

ўсишига олиб келди. Паттакесар бозори гавжум бозор бўлиб, бу ерда Россиядан фабрикаларида ишлаб чиқарилган матоларни анча қулай нархда сотиб олиш имкони бўлган.

Савдо-сотикнинг ривожланиши ўлкада транспорт тизими ва йўл қурилишига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилди. 1885 йил 3 декабрдаги подшо ҳукумати қарори асосида Бухоро амирлиги ҳудуди орқали ўтадиган қуйидаги йўллар қурилишига алоҳида эътибор қаратилди:

Термизгача темир йўл қуриш;

Саройгача пароход қатновини йўлга қўйиш;

Шарқий Бухорода йўл қуриш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва 1902 йил 1 январдан Термиз трактини ишга тушириш.

Шу қарор асосида 1899 йили ҳарбий инженер, полковник А. М. Бонч–Богоданевский Самарқанд – Термиз тупроқли арава йўли лойиҳасини ишлади. Йўл лойиҳаси 10 ой ичида, 1899 йил кузида тўлиқ ишлаб чиқилган. Самарқанд – Термиз йўлининг узунлиги 376 верст бўлиб, Тахта қорача довонидан Термизгача 298 верстни ташкил этарди. Йўл Бухоро хонлиги чегараси бўйлаб Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Дарбанд, Шеробод ҳудудлари орқали ўтган. Ишнинг техник ҳолатини кузатиш учун унинг ихтиёрига Туркистон сапёрлар батальонидан 3 офицер ва 61 сапёр ажратилади. Иш ҳақи ва материаллар тайёрлаш учун рус ҳукумати томонидан 17 340 сўм ажратган.

Самарқанд – Термиз почта йўли лойиҳасини Россия ҳарбий вазири Куропаткин топшириғи асосида французларнинг Жазоирдаги қурилиши асосида амалга оширилган. Рус ҳарбий зобити, подполковник Мельников Самарқанд – Термиз почта йўлидаги энг оғир участкаларнинг оралиқ масофаси ва улардан ўтадиган вақтни ҳам ҳисоблаб чиқиб ахборот берган. Унинг ахборотида қуйидаги маълумотлар келтирилади.

Лайлагон – Чилонзор, 11, 5 верст, 43 минут.

Сайроб – Дарбанд, 16 верст, 2 соат 50 минут.

Дарбанд – Оқработ, 21 верст, 2 соат 55 минут.

1899-1901 йиллар орасида рус ҳукумати маблағи ҳисобига Самарқанд – Термиз тупроқ йўлида 17 та бекат қурилиши амалга оширилди. Барча ишлар учун рус ҳукумати томонидан 340 000 сўм ажратилди. Почта йўли қурилиши анча кўп маблағ талаб қилса ҳам, 1902 йили ишга туширилди. Бу йўлнинг ҳар бир версти учун 250-300 рубль, 300 версти учун 90000 рубль пул сарфланган. Йўл ўтган 6 бекликнинг ҳар биридан 10000-20000 сўмгача маблағ сарф этилган.

Бухоро бекликлари йўл ўтадиган ҳудудлар аҳолисидан ишчи кучи ажратишган. Ҳар кун беклик аҳоли сонидан келиб чиқиб 150 дан 600 тагача ишчи жалб қилган. Ишчилар сони кунига 3000 кишига қадар етар эди. Ишчилар таъминоти улар келган амлоқдорлар ҳисобидан бўлиб, баъзи бир бекликларда ишчилар овқати учун 15 тийин ажратилган.

Умуман олганда, Самарқанд–Термиз почта йўлининг ишга туширилиши ижобий ҳодиса бўлди. Бу йўл ички ва ташқи савдонинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Рус мутахассислари раҳбарлигида Бухоро амирлиги маблағи ҳисобидан Шерободни Термиз билан боғлайдиган почта-телеграф идораси қурилди. Почта-телеграф йўлининг барпо этилиши рус-бухоро савдосини анча яхшилади.

Россия ҳукуматининг Афғонистон билан бўладиган савдо алоқалари Амударё сув йўли орқали амалга оширилган. Айнан Сурхон воҳаси ҳудудида Амударё сув йўлининг муҳим кечувлари Паттакесар, Термиз, Ёргоҳ, Чўчкагузар, Қоракамар ташқи савдода муҳим ўрин тутган. Бу кечувлар Амударё флотилияси ташкил бўлгунига қадар ўз қимматини йўқотмаган. Амударёда рус флотилияси ташкил қилингандан сўнг Паттакесар кечувининг юк ташишдаги аҳамияти ошиб борди.

1890 йилларда Бухоро – Афғонистон чегаралари очик бўлиб, савдо-божхона шартномалари тузилмаган эди. 1894 йили тузилган Россия – Бухоро келишув шартномасига мувофиқ, чегара ҳудудларини кечиб ўтадиган қирғоқларда Карки, Калиф, Чўчкагузар, Паттакесар, Айваж, Сарой, Чубак ва Богарақда божхона масканлари қурилди [10]. Бухоро амирлигини рус божхона тизимига киритиш тўғрисидаги қонун 1894 йил 6 июлда қабул

қилиниб, расман ушбу йилнинг 15 ноябридан кучга кирди. 1895 йил бошларида Карки, Калиф, Чўчкагузар, Паттакесар ва Айваж божхоналари иш бошлади. 1895 йил 1 майда Панж дарёси бўйидаги божхона иш бошлади. Рус – афғон чегарасидаги савдони назорат қилиш қонуни 1895 йил 1 июлдан тўла кучга кирди ҳамда Ўрта Осиёдаги ташқи савдо устидан Россия империяси назорати узил-кесил ўрнатилди.

Бухоро – Афғонистон чегарасининг Россия – Афғонистон чегарасига айлантирилиши, Амударё бўйлаб кечув ва божхона пунктларида Россия империяси назоратининг ўрнатилиши ҳам бевосита савдо йўлларининг унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишига олиб келди. 1894 йилги ягона божхона тизимининг жорий этилиши амалда Бухоро амирлигининг Сурхон воҳаси бўйича савдо мустақиллигини тугатди, бу давлатлар орқали қўшни мамлакатларга чиқадиган савдо йўллари ҳам XIX аср охирига келиб тўлалигича Россия империяси тасарруфига ўтди, у бу ҳудудлардаги истеъмол бозоридаги рақобатни унинг фойдасига ҳал қилди.

Қолаверса, юқорида таъкидлаганимиздек, Россиянинг Шарқ давлатлари билан бўладиган савдосида воҳа ҳудудидан ўтувчи Амударё кечувлари муҳим аҳамият касб этарди. Амударё-Панж кечувида Афғонистондан келувчи маҳсулотларнинг 40 фоизи Карки божхонаси орқали ўтган. Керки божхонасидан кейин юк оборотида Паттакесар божхонаси турган. У Мозори Шариф – Тошқўрғон савдо йўлида жойлашганди, умумий обороти 715 минг рублни ташкил этган, жумладан, кишмиш 11, 8 минг пуд, чорва 27, 5 минг бош, пахта маҳсулоти 41, 4 минг пуд, чигит 12, 4 минг пуд, бўёқ маҳсулотлари 1, 3 минг пудни ташкил этган [11].

Россиянинг савдо фирмалари Амударё бўйлаб Чоржўй, Карки, Термиз ва Саройда ўз идораларини очишди, савдо омборхоналари ва дўконларининг ишга туширилиши кема қатнови ривожига туртки берди. 1876-1879 йиллари «Самарқанд» номли пароход қатнови йўлга кўйилди.

1885 йилда Россия ҳукумати Туркистонда ўз мақеини мустаҳкамлаш мақсадида Волга дарёси ва Каспий денгизини Амударё билан боғловчи темир йўл қурилишини бошлади. Бу йўлни қурдираётган генерал М.Н.Анненков (1834-1899) Амударё учун ҳарбий флотилия ташкил этишни таклиф қилади. Унинг фикрича, флотилия ҳарбий мудофаа эҳтиёжларига хизмат қилиш билан бир қаторда зарур бўлган юкларни ташишда муҳим аҳамиятга эга эди. 1886 йилда ҳарбий вазирлик буюртмаси билан Санкт-Петербургдаги Бутц заводида, шунингдек, Глазго (Буюк Британия)даги Добсен заводида ҳар бири 520 от кучига эга бўлган «Царь» ва «Царица» пароходлари ҳамда «Петербург» ва «Москва» баржалари қурилади. 1887 йилнинг ноябрида Ҳарбий кенгашда кўриб чиқилганидан сўнг Амударё флотилиясининг штати тасдиқланади. 1888 йилдан бошлаб юқорида кўрсатиб ўтилган кемалар Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) дан Каркига қадар суза бошладилар. 1895-1901 йиллар оралиғида флотилия «Цесаревич Алексей», «Великий князь», «Великая княжна Ольга» ва «Император Николай II» тиркагичли пассажир пароходлари, иккита буғ катери, буғ баркаси, саккиз баржа ва икки темир қайиқ билан бойиди.

Гарчи Амударё флотилияси ҳарбий мақсадни кўзлаб ташкил қилинган бўлса-да, у савдо-сотик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори шундай деганди: «Амударё флотилиясининг ташкил этилиши бизнинг Амударёга бўлган тўла ва ажралмас ҳукмронлигимизни ҳар кимга ва барчага англантиб туради» [12].

1894 йилнинг август ойида биринчи катерлар гуруҳи почта ва юкларни қўриқлаш мақсадида Чоржўйдан Термизга келтирилади. Улар Сурхон дарёсининг ичкарасига қараб 2 километр юриб ўз қароргоҳларини ташкил қилмоқчи бўлдилар. Кеч кузда Сурхон дарёсида сув камайганлиги сабабли қароргоҳ қуруқликда қолиб кетади. Қароргоҳ 1896 йилга келиб Амударё бўйига кўчирилади.

Амударё флотилиясига янги пароходлар олиб келингани билан, уларнинг ҳаракатланиши анча ноқулайлиги сабабли Чоржўй-Термиз оралиғи (540 верст) 9 кунда босиб ўтилган. Чоржўйдан Термизгача ва пастга қараб Тўрткўлгача қилинадиган рейс бир ойга яқин вақтни олар эди. Об-ҳаво қулай келганда ойига Чоржўй-Термиз оралиғида пароход 2 марта қатнаса 10000 пуддан-20000 пуд юк ташиб келтирган [13]. Хоразмдан Термизгача сув

орқали сузиш учун кемалар 10 кунлик масофани босиб ўтарди. Пароходлар ёз ойларида Чоржўйдан Термизгача масофани 7 кунда, кишда 11 кунда босиб ўтган [14].

Амударё флоти Россия учун юк ва товарлар, йўловчилар ташишга хизмат қилиб, Балжувон ва Кўлоб бекликларидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг Бухоро амирлигига етказиб берилишида муҳим аҳамиятга эга эди. Бироқ Амударё орқали Афғонистондаги товарларни Чоржўйга етказиш, савдо муносабатларини жадал ривожлантириш учун катта имкониятлар бўлишига қарамай, кема қатнови яхши йўлга қўйилмаган эди. Чунки, Амударё оқимининг тез-тез ўзгариб туриши, қирғоқ бўйлари ўпирилиши, сув оқимларининг лойқага тўлиб туриши натижасида кема қатнови тез-тез хавф остида қоларди. Амударё оқимидаги бундай ҳолатлар дарё ўзанида транспорт тизимининг жадал ривожланишига имконият бермасди. Шу туфайли Янги Бухоро–Термиз темир йўл линиясини қуриб ишга тушириш алоҳида аҳамият касб этди. Темир йўл тармоғини қуриб ишга тушириш, қурилиш учун зарурий техник жиҳозлар ва материаллар етказиб бериш, инженерлик лойиҳаларини қайта кўриб чиқиш, иқлими иссиқ, сувсиз чўл шароитида йўл қурилишидаги қийинчиликларни ҳисобга олиш, ернинг шўрланиши, юк кўтариши, сел оқибатларининг олдини олиш чора–тадбирлари муҳим масала бўлиб турарди. Бу қурилишда энг оғир участка Қарши–Термиз ҳудуди ҳисобланарди [15].

Янги темир йўл лойиҳаси Россия империяси учун муҳим аҳамиятга эга эди. Мабодо, жануб томондан уруш ҳаракатлари бошланиб қолса, бу темир йўл чегара ҳудудларига тезлик билан ҳарбий кучларни тўплаш имкониятини берарди. 1912 йил 15 июнда Бухоро амири Россиядаги йирик корхона эгаси, муҳандис Ковалевский билан темир йўл қурилиши ҳақида яқуний шартномани имзолади.

1913 йил январида Ковалевский томонидан «Бухоро–Термиз темир йўлини қуриш акционерлик жамияти» таъсис этилди [16]. Бухоро–Термиз темир йўли қурилишига 1913 йили рухсат берилди. Ўша йил октябрь ойида Бухоро темир йўл жамияти район директори М. М. Слуцкий Бухорога келиб, темир йўл йўналишига оид харита асосида тупроқ ишларини бошлаб юборди. 1914 йил апрелида Бухородан 400 киши, Қаршидан 400 киши темир йўл қурилишга жалб этилди. Аммо қурилишларда меҳнат шароти оғир, муносабат ёмон эди. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳолидан сафарбар этилган ўша ишчилар муҳандис И.Э.Таннернинг ўзбошимчалиги, иш ҳақини кам бериши, қўпол муносабатидан норози бўлиб, унга қарши бош кўтардилар. Хуллас, 800 киши иш жойини ташлаб кетди [17].

Россия ҳукуматининг бепул ёки арзон ишчи кучи ҳисобига темир йўл қуриш режасига қарши халқ ҳаракатидан кўрққан Бухоро амирлиги вакиллари маҳаллий ишчиларга бериладиган иш ҳақини кўтаришни талаб қилдилар. Натижада, 1914 йилнинг июль ойидан бошлаб ишчиларга 1 рубль 20 копеекдан, бухоролик ишчиларга 1 рублдан иш ҳақи тўлана бошланди. 1915 йил феврилида Бухоро–Термиз темир йўл қурилишига Германия–Австрия ҳарбий асирлари билан биргаликда 6 минг ишчи, 1916 йил июль ойида 7 минг ишчи сафарбар этилди. Шунингдек, Россия ҳукумати темир йўл қурилишини тезроқ тугатиш мақсадида Эрондан 226 ишчини ҳам таклиф қилган. Бироқ эронлик ишчиларнинг 116 нафаригина қурилишда иштирок этди [18].

1914 йил бошида муҳандислар Сурхон воҳаси ҳудудида темир йўл қуриш бўйича тегишли тайёргарлик ишларини бошлаб юбордилар. Бухоро–Термиз темир йўл қурилишида нафақат Россия, балки чет давлатлар, хусусан Италия ва Австриядан келган мутахассислар ҳам иштирок этишди. Қурилишнинг аксарият ишчилари маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат эди. 1915 йил июнь ойида биринчи тоннел битказилди. 1916 йил 16 июнга келиб, 573 верст бўлган Когон–Самсонова–Термиз темир йўл йўналиши ишга туширилди. Темир йўл иш ҳажмини кенгайтириш ҳамда юкларни тушириш ва ортиш ишларни йўлга қўйиш, юкларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1916 йили Термиз темир йўл бекати қурилди [19].

Ишга туширилган ушбу темир йўл Россияни Ҳинд океанига чиқишдек ҳарбий-иқтисодий стратегиясининг амалий натижаси бўлиб, келажакда Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистонни эгаллаш, Шарқда рус мустамлакачилигини мустаҳкамлашга замин ҳозирлар эди. Шунингдек, бу йўл Сурхон воҳасини тўлиқ истило қилиб, уни рус саноати учун узоқ йиллар хом ашё манбасига айлантдириш,

мустамлака тўлиқ амалга оширилгач, ер ости ва ер усти бойликларини текинга ташиб олиб кетиши учун кенг имконият яратди.

Россия империясининг пахта хом ашёсига бўлган талаби ошиб борар экан, уни қондиришнинг энг самарали йўли Туркистондаги пахта майдонларини кенгайтириш эди. Бунинг учун янги суғориш тармоқларини қуриш, ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириб келиш, пахтачилик районларига темир йўл келтириш, пахтани чигитдан ажратадиган заводларни барпо этиш лозим эди. Шу билан бирга, рус тўқимачилик саноати эгалари Америкадан олиб келинаётган нисбатан қиммат пахтадан қутулиб, тўлиғича Туркистон пахтасига ўтишни режалаштиришган эди. Натижада, Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларидаги суғориш тизими рус капитали жойлаштириладиган асосий объектга айланди.

1896 йилда Термизда бўлган Пославский қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдиради: Салавот ариғи ёрдамида жуда катта майдонда пахта экини амалга оширилди ва пахта чаноғи шунчалик очилдики, гўёки ер оппоқ қор билан қоплангандек бўлди. Д.Н.Логофетнинг таъкидлашича, амир бошқарувининг солиқларни йиғиш вақтида деҳқонларга ўтказётган босимлари, алоқа йўллариининг йўқлиги, пахтани Бухоро, Чоржўй ва Карманадаги пахта тозалаш заводларига олиб бориш чиқимларининг юқорилиги туфайли ўлкада пахтачилик жуда ноқулай шароитда ривожланаётган эди. Шунга қарамай, амирликда пахта майдонлари йилдан-йилга кўпайиб борди [20].

Чор Россияси Сурхон воҳасидан кўпроқ пахта хом ашёсини олиб кетиш мақсадида янги ерларни ўзлаштириш ташаббуси билан чиққан рус ишбилармонларини қўллаб-қувватлади. Чунончи, 1900 йилнинг 27 январида Бухоро амири Аму-Сурхон оралиғидаги 10154 десятина ерни Россия империясига «совға» қилди. Ушбу ерларни сувлаш учун 1900 йил баҳорида империя ҳукумати ҳарбий инженер Б.Н.Кастальскийга Термизда суғориш тизимини лойиҳалашни топширди. Бу ишларни бажариш учун Б.Н.Кастальскийга 200000 рубль пул, 2 нафар топограф, 2 нафар казак, 1 нафар танобчи берилди [21].

Қидирув-лойиҳалаш гуруҳи 200 сажен (1 сажен – 2,134 метрга тенг узунлик ўлчови) майдонни дюйм (1 дюйм – 25,5 мм га тенг узунлик ўлчови) ҳисобида кичрайтириб, масштаб планини тайёрлайди. Изланишлар натижасида Б.Н.Кастальский Эски Термизнинг қадимги суғориш иншоотлари қолдиқларини аниқлади. Сурхон дарёсидан олинадиган ариқ Саловат қишлоғининг шимолий чегарасига кириб келиши билан икки тармоққа бўлинган. Биринчи тармоқ Султон Саодат, Афғонмозор ва Қирққизга, иккинчиси Туркистон чегара батальони жойлашган ҳудудга қараб кетган. Бу ҳудудда 3000 десятина суғориладиган ер бўлган. Ишлар якунлангач, Кастальский 1900 йилнинг октябрида ҳисобот хатини ҳукуматга тақдим қилади. 1902 йилда Б.Н.Кастальский томонидан тузилган гидротехник лойиҳа асосида канал қурилиши бошланади ва 1905 йилнинг кузида ишга туширилади. Натижада Термиз қалъаси, Паттакесар, Мангузар ва Салавот қишлоқларини доимий сув билан таъминлаш имкони юзага келди. Канал қазилишига 300 минг рубл маблағ йўналтирилди [22].

1908 йили Шеробод беги Мирзо Салимбек Жарқўрғон амлокдорлигидаги Занг қишлоғи яқинидан Сурхон дарёси сувини ҳашар йўли билан ариқ қаздирди. Занг ариғининг йўлини Эшонбек деган киши от устида юриб чизиб берган. Умумхалқ ҳашарида 4 мингдан ошиқ одам қатнашган. Занг ариғи 12 тармоққа бўлинган. Жами 7500 таноб (1 таноб – 8 сотихга тенг ер майдони) ерни сувлаш имкони юзага келган [23].

Амударё ҳавзасидаги унумдор ерлар рус саноатчиларини қизиқтириб қўйди. Бухоро ва Хива ерларини синчковлик билан ўрганган рус маъмурлари 1910 йилда амирлик ҳудудида 230 минг десятина ерни суғориш мумкинлиги тўғрисида хабар беради [24]. Бошқа рус тадқиқотчиси Д.Н.Логофет эса Амударёнинг юқори ҳавзасидаги серҳосил ерларга сув чиқариш ҳисобига юз минглаб рус аҳолисини кўчириб келиш имконияти юзага келиши ҳақида ёзади [25].

1910 йили Шеробод беклигида пахтачиликни янада ривожлантириш учун Термиздан унча узоқ бўлмаган Арпаоя қишлоғи чеккасида, Сурхондарёнинг ўнг қирғоғида 500 десятиналик ерда намунавий хўжалик тузилади. Бу ердаги ишларни ташкил этиш учун чор

хукумати томонидан 60 минг рубл маблағ ажратилади. Шунингдек, Бухородаги Россия сиёсий агентининг кўрсатмасига биноан Сурхондарё ва Шерободдарё ҳавзаларида суғориш иншоотларини барпо этиш юзасидан «Шарқий Бухоро» ширкати турли лойиҳаларни ишлаб чиқди [26].

1904-1910 йилларда Термизда ҳарбий қалъа ва бошқа истехкомлар қурилишига бошчилик қилган гидротехник-инженер ва штабс-капитан Александр Георгиевич Ананьев (1877-1935) Сурхон дарёси бўйидаги серҳосил ерларни эгаллаб олмоқчи бўлганида Шеробод беги Мирзо Салимбекнинг жиддий қаршилигига дуч келади. Салимбек унинг ниятини пайқаганлиги боис ер олиш тўғрисидаги барча таклифларини рад қилиб келди. Ҳатто Бухоро кўшбегиси Остонакулбийдан рухсат олганида ҳам Мирзо Салимбек А.Г.Ананьевга умуман ер бермади [27].

Мирзо Салимбек ишдан бўшатиладиганидан сўнг А.Г.Ананьев 1910 йилда Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновга хат ёзиб, Шеробод беклигида янги ерларни ўзлаштиришнинг истиқболларини асослаб беради. 1910 йилнинг сентябрида А.В.Самсонов бу хатни Россия империясининг Бухородаги сиёсий агенти А.А.Извольскийга жўнатиб, Шеробод ва Бойсун бекликларидаги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади [28].

Термиз ҳарбий гарнизони бошлиғининг 1910 йил 4 августда Бухородаги Россия императори сиёсий агентига ёзган хатида Бухоро савдогарлари пахта омборини руслардан узоқроқ ерда қурмоқчи бўлишгани, лекин унинг ўзи бунга қарши эканлигини билдириб, пахта омборини Термизда қуриш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Негаки, пахта сотиладиган бозор руслар яшайдиган жойда қурилса, уни солиққа тортиш, исталган нархда сотиш ва назорат қилиш осонлашувини маълум қилади [29].

1912 йил 23 февралда А.Г.Ананьев Бухоро амири Саййид Олимхон билан Шеробод беклигининг бўш турган 72,5 минг десятина ерни 99 йилга ижарага бериш тўғрисидаги концессияни имзолайди. Бу амирлик тарихида рус мустамлакачилари билан тузилган биринчи асоратли битим эди. Шартнома 17 моддадан иборат бўлиб, унинг 4-бандида хусусий мулкдорларга тегишли кўчмас мулк ётлаштириш зарурати туғилган тақдирда ишбилармон ётлаштириладиган мулкларнинг эгалари билан кўнгилли равишда келишувга бориши кўрсатилган эди. Агар ётлаштириш кўнгилли равишда олиб борилмаса, у ҳолда кўчмас мулк ушбу ҳудудни бошқараётган бекнинг розилиги билан мавжуд нархлар бўйича тўлов қилиб ётлаштирилиши керак эди. Бу банд шартлари концессияга деҳқонларнинг яйловларини бошқа ерларга кўчириш имкони берган. Аҳолининг зарарини қоплаш Ананьев ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилган бўлсада, амалда ушбу товонни ким аниқлаши кўрсатилмаган эди. Битимнинг 5-банди эса Ананьевга Сурхондарёнинг исталган еридан тўғон қуриш орқали канал чиқариш ҳуқуқини берган эди [30].

Шу тариқа, мазкур битим рус капиталистининг Шеробод воҳаси аҳолиси ерларини тортиб олиш, уларни ўзига қарам қилиш, мустамлакачилик зулмини кучайтиришга йўл очиб берган эди. Кейинчалик, шартномада кўрсатилган бўш ерларнинг аслида 55 %, яъни 40 минг десятина ер шерободлик деҳқонлар томонидан ишланаётганлиги маълум бўлди [31].

Битимда ҳамма иш тугаганидан кейин концессия ерларини сувлаш учун ҳар йили 1-мартдан 1-октябргача секундига 10 куб сажен, бошқа пайтларда тўрт сажен сув олишига рухсат берилган эди. Ананьев саккиз ярим йил мобайнида ижара солиғидан озод қилинган, шундан сўнг у ҳар йили амирга ижара учун 100 минг рубл тўлаши керак эди [32]. Агар 72 минг десятина ернинг 33 минг десятинаси бўш эканлигини инobatга олсак, у ҳолда Ананьев 8 ярим йил давомида қолган 40 минг десятина суғориладиган ерни деҳқонларга қиммат нархда ижарага бериб, жуда кўп даромад олмоқчи бўлганлиги аён бўлади.

Амир Олимхоннинг суғориш бўйича етарлича билимга эга эмаслиги Ананьевга катта қулайликлар берди. Концессия масаласида рус ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати яққол намоён бўлди. Ер-сув масаласида амир ўз деҳқонларини ҳимоя қилолмас, русларнинг чизган чизигидан чиқиб кетолмас эди.

Концессия бўйича тузилган битимнинг 6-банди тўлиқ ер масаласига бағишланган эди. 1912 йилда А.Г.Ананьев хусусий шахсларнинг ерлари тўғрисида далолатнома тузишни капитан Тисячниковга топширди. Аммо далолатнома тузилмади. Сабаби, ерли аҳоли ўзларига 120000 таноб ёки 27 минг десятина ер беришни талаб қилди ва Ананьевнинг шартномада кўрсатилган 6-бандга ўз норозилигини билдирди [33].

40000 десятина ерни текинга ижарага олишнинг иложи бўлмади. А.Г.Ананьевнинг фикрича, бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

1. Қорасувнинг сўл қирғоғида эгасиз 13140 десятина ер бўлиб, улардан 4000 десятинасини мелиорация бўлгандагина ишлатиш мумкин;

2. Қорасувнинг ўнг қирғоғида эгасиз 21000 десятина ер бор. Ундан 18000 десятинаси экин экишга яроқли бўлиб, шундан 6000 десятинаси мелиорацияни талаб қилади;

3. Янгиариқ районида 1000 десятина эгасиз ерни фақат механик кўтариш орқалигина сувлаш мумкин. Шундай қилиб, 23000 десятина бўш ер сувлаш учун яроқли бўлиб, унинг 10000 десятинаси мелиорацияни, 1000 десятинаси механик кўтармани талаб қилади. Агар сўнгисини серчиқимлиги учун олиб ташланса, у ҳолда 34000-37000 десятина ерни фақат қуйидаги шартлар асосида олиш мумкин:

А) аҳолидан 5000 десятина сувланадиган ерни текинга олиш;

Б) Сурхон дарёсининг ўнг қирғоғидаги 3000 десятина ерни сотиб олиш.

4. Бу ерларни фақат Бухоро ҳукумати билангина келишиб бўлиб олиш мумкин.

5. 34000 десятина ерни сувлаш нархини 1912 йилги 16500000 рублдан 1913 йилги 120000000 рублга қадар тушириш мумкин [34].

Аҳолидан 40000 десятина ерни олиш иложи йўқ эди. Негаки А.Г.Ананьевнинг режаси бўйича канал қурилиши фақат 1917/18 йилда тугалланиши, сув бериш эса 1920 йилда бошланиши кўзда тутилган эди. Концессиянинг фойдага чиқиши 1925/26 хўжалик йилида 6%, 1936 йилда 10%, 1940 йилларда 15% ва ундан кейинги йилларда шунга яраша ошиб боравериши режалаштирилди.

А.Г.Ананьев Сурхон дарёсининг сув сарфи бўйича анча янглишган эди. У дарёнинг энг серсув бўлган 1911 йилни ўрганган, ўшанда Сурхон дарёсининг сув ҳажми ўртача 9 куб саженга тенг эди. Лекин кейинги беш йилда олиб борилган изланишлар Ананьевнинг фикрларини тасдиқламади. Негаки, июл, август ва сентябр ойларида Сурхондарёнинг сув сарфи 9,4 дан 13,2 кубга тенг бўлган. Сув сарфи 3,4-3,6 кубга қадар тушиб кетиши 1913 йилдаёқ Ананьевга маълум эди. Мавжуд сув запаси билан фақат 40000 десятина ерни сувлаш мумкин эди. Буни тушуниб етган Ананьев биринчи ўринда Занг ариғи ҳавзасини эгаллашга қаратди.

1912 йил кузида рўзадан сўнг концессия шартларини бажариш учун Шеробод беклиги маъмурияти ва бухоролик амалдорлар иштирокида инженер Ананьев Занг ариғини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишларини бошлаб юборди. Бу ариқни қазийда 1-1,4 минг киши қатнашди. Унга қўшни амлоқдорликлардан ҳам аҳоли жалб қилинди. 2 ойлик ишдан сўнг Занг ариғи энига қараб 2,5-3 баравар кенгайтирилиб, эни 15 фут (1 фут - 0,3048 метрга тенг узунлик ўлчови) чуқурлиги 2 фут 2 дюймга етказилди. Шу билан бирга ариқ янада узунлаштирилди ва Ангордан 4 верст узоқликдаги Навшаҳарга қадар олиб борилди.

Умуман олганда, 1912-1916 йилларда Занг каналини қазийш ва тозалашга йилига ўртача 2000 мардикор қатнашган, бу ишларга 300 кун, яъни 4 ½ йил ва 600000 ишчи соати сарфланган эди. Аҳолининг қаттиқ туриб ишлашига қарамай, Занг суви фақат аминларгагина етган. Шунингдек, Бухоро-Термиз темир йўли қурилишига Шерободдан мардикор тариқасида 700-1400 киши юборилган. Бу эса, Шеробод беклигида ишчи кучи танқислигига сабаб бўлган. Натижада ҳосил йиғими пайтида қўшни Бойсун ва Калиф бекликларидан одам ёллашга тўғри келган [35].

Ариқнинг кенгайтирилиши янги ерларни ўзлаштириш имконини берди. Айни чоғда, Ананьев Занг ариғининг концессия ҳудудига тегишли эканлиги ҳамда ундан сув оладиган деҳқонлар концессия билан шартнома тузишларини талаб қила бошлади. Деҳқонлар эса, бу

арикнинг амир фармонида кўра қазилганлиги, унинг қазилишида деҳқонлар ўз ҳисобидан қатнашганлиги, концессиячиларни эса учига чиққан олчоқ ва қонунбузар деб айбладилар.

Бир жиҳатдан деҳқонларнинг норозилигида жон бор эди. Негаки, ҳали 1911 йилда, яъни концессия тузилмасидан олдин Занг ариғи ёқасида яшовчи аҳоли Бухоро амиридан канални кенгайтириш ва узайтириш тўғрисида илтимоснома билан чиқишган эди. Амир халқнинг мурожаатига рози бўлди ва Шеробод беги Мирзо Рабо Хўжабийга шу тўғрида кўрсатма берган эди.

А.Г.Ананьев концессия шартларига кўра 40000 десятина ерни қўлга киритмоқчи бўлганида шерободлик деҳқонларнинг ғоят қаттиқ қаршилигига дуч келди. 1912 йилнинг декабрида концессия чегараларига ўрнатилган 92 та репер(белги)дан 30 таси деҳқонлар томонидан олиб ташланди. 1915 йилда Шеробод беклигида деҳқонларнинг йирик чиқишлари бўлиб ўтди. Натижада, А.Г.Ананьев ўз ишини «Шеробод» акционерлик жамиятига топширди [36].

1915 йил 2-ноябрида «Шеробод» акционерлик жамияти ўз ишини бошлади. Унга раис этиб В.Д.Ильин, бошқарув аъзолигига А.Г.Ананьев, А.С.Брикелмейер, князь С.В.Кудашов ва С.П.Максимов, бошқарув аъзолигига номзод қилиб П.П.Лижин ва Н.Н.Ястребов сайландилар. Бошқарув аъзоси С.П.Максимов ижрочи-директор, инженер К.Д.Кельтсер «Шеробод» акционерлик жамияти бошқарувчиси ва барча ишлар Бошлиғи, Б.И.Родзевич эса унинг ёрдамчиси этиб тайинланди. Жамиятнинг низом жамғармаси 12 миллион рублга тенг бўлди. «Шеробод» акционерлик жамиятининг назорат пакети Рус савдо-саноат банкига тегишли бўлиб, инглиз молия капитали билан боғлиқ эди. Концессия томонидан ўзлаштириладиган ерларда янги маъмурий-саноат шахри – Навшаҳарнинг вужудга келиши кўзда тутилар, ва унда пахта тозалайдиган заводлар қурилиши лозим эди [37].

Жамият ўз олдига 72000 десятина ерни ўзлаштириш ва 1 миллион пуд пахта олишни мақсад қилди. Албатта бу оғир иш эди. Сабаби, янги ўзлаштириладиган ерларга ўн минглаб аҳолини кўчириб келтириш, уларга шароит яратиш, уй-жой, сув, озиқ-овқат билан таъминлаш жуда муҳим эди. Қолаверса, концессия тўғрисидаги битимнинг имтиёзли даври 1920 йилга бориб тугар, шу боис ишларни тезлаштириш зарур эди [38].

Биринчи жаҳон уруши кетаётган бир шароитда концессия ишларини юритиш, унга пахтачиликни яхши тушунадиган деҳқонларни жойлаштириш, молия, банк-кредит масалаларини ҳал этиш, пахтакорларга агроном ёрдамчини ташкиллаштириш жуда зарур эди. Шунинг учун оғир ишларни ижрочи-директор С.П.Максимов 1916 йил 20 январдан 25 мартгача бўлган ораликда Тошкент ва Бухорода музокаралар олиб борди. Тошкентда у Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчи генерал Мартсон билан учрашди. Музокара чоғида Термиз суғориш тизимини «Шеробод» жамияти ариқларининг суви билан таъминлаш мақсадида изланиш ўтказиш учун Бухоро амиридан рухсат олиб бериш ҳамда Бошқарма ишлари учун ҳарбий тутқунлардан бир гуруҳини жўнатишни сўради. С.П.Максимовнинг биринчи таклиф қондирилиб, амирга йўлланди. Иккинчи таклиф эса Петроградда Бош штаб томонидан рад этилди.

С.П.Максимов Когонда бўлганида Россия императорининг Бухородаги Сиёсий агенти билан учрашди. Бухорога бориб Амир Олимхон ва кўшбеги билан музокара олиб борди. Амир Олимхон концессияга дўстона муносабатда эканлигини яна бир бор маълум қилди. С.П.Максимов ишларнинг мураккаблигини ҳисобга олиб Сиёсий агентдан ер ва кўчириш ишлари бўйича агентлик вакилини тайинлашни, бу лавозимга мусулмонлар ўртасида жуда катта обрўга эга бўлган қози Ҳайдархўжа Мирбадаловни тайинлашни илтимос қилди. Натижада, 1916 йилнинг 12 март куни Амир Олимхон янги битимга қўл қўяди. Унга кўра, концессия ҳудудида яшовчи деҳқонлар «Шеробод» акционерлик жамияти билан шартнома тузишга мажбур қилинди[39].

Занг ариғини ўз кучи билан қурган, ундан сув оладиган, аммо концессия ҳудудига кирмаган деҳқонларнинг ерлари жамият таркибига кириши ёки сувдан маҳрум бўлиши лозим эди. 1916 йилнинг 23 мартада Жаркўрғонда мингдан ошиқ деҳқон қарвонсаройда тўхтаган концессиячиларга ҳужум уюштирди. Халқ концессия ходимларидан ер ва сувнинг тортиб

олинмаслигини талаб қилди. Аксига олиб, Шеробод беги томонидан жамият учун мажбуран ишга жўнатилган деҳқонлар ҳам иш ташладилар. Қўзғолоннинг кенгайишидан қаттиқ кўрққан Термиздаги рус губернатори жазо отрядини юбориб, учта қишлоқни ёқиб кулини кўкка совурди. Тўқнашувни таҳлил қилган девонбеги Шеробод беги ва унинг амалдорларини айбдор деб топди [40].

Деҳқонларнинг мустамлакачиларга қарши ҳаракати Денов беклигида ҳам бўлиб ўтди. Қўзғолон кўтарган деҳқонлар Амир Олимхондан рус концессиячилигини тугатишни талаб қилдилар.

Бўлиб ўтган воқеалар рус ишбилармонларини жуда эҳтиёткорлик билан ишлашга мажбур қилди. 1916 йил 5 апрелида Термизда бўлиб ўтган акционерларнинг умумий йиғилишида 72000 десятина ерни тезлик билан ўзлаштириб бўлмаслиги таъкидланди. Шу сабаб биринчи босқичда 12000 десятина ерни ўзлаштириш ва унга аҳолини кўчириб келиш лозим деб топилди. Йиғилиш сўнгида 6 банддан иборат қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди:

1. «Шеробод» акционерлик жамияти 1916 йилда Занг ариғининг юқори қисми билан концессия майдони ичида ҳайдаладиган ерларнинг аниқ миқдорини ўрганadi.

2. Концессия майдонида Занг ариғидан сув оладиган кишилар эндиликда концессия майдони ичида расман қолишлари мумкинлиги эълон қилинади. Агар улар «Шеробод» акционерлик жамияти билан ер ва сувдан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузишни истасалар, у ҳолда деҳқонлар Бухоро ҳукуматиға тўлайдиган ҳар қандай солиқ ва тўловлардан озод қилинадилар.

3. Занг ариғидан концессия майдонидан ташқарида, унинг ўнг қисмида ариқ ўтказган кишиларға сув берилмайди ва уларнинг ариғи тезликда кўмиб ташланади. Агар Бухоро ҳукумати уларға сув берилишини истаса, у ҳолда бу ерлар концессияға берилиши керак.

4. Концессия майдонида Шерободдарёдан сув оладиган кишилар агар истасалар «Шеробод» жамиятининг аҳолиси қаториға қўшилишлари ва жамият ариқларидан умумий тартиб бўйича сув олишлари мумкин.

5. Концессия майдонида Шерободдарёдан сув оладиган ва «Шеробод» жамиятининг аҳолиси қаториға қўшилишни истамаган кишиларға ерлар имконият даражасида концессия майдони чегарасида, Шерободдарёдан ўтказилган ариқлар бўйида, аниқ ажратилган ва тўлик тавсифланган ҳолда бўлиб берилади.

6. «Шеробод» акционерлик жамияти концессия қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда Сурхондарё ҳавзасидаги исталган ариқ ва сойларда ўлчов ўтказиши мумкин [41].

Юқорида қайд этилган олти бандлик қарор Россия императорининг Бухородаги Сиёсий агенти томонидан маъқулланган ва Бухоро ҳукуматиға тақдим этилган. Бухоро ҳукумати ҳам ушбу қарорни қабул қилиб, Бойсун ва Шеробод бекликлариға кўрсатма сифатида юборган.

Бундан ташқари, концессия аҳолини ўз томонига оғдириб олиш учун бир қатор таклифлар билан чиқди. Жумладан, алоҳида шахслар билан бирға бутун қишлоқлар билан ҳам келишув тузишға рухсат этилди. 1917 йил 1 январғача концессия ерларида ўрнашганлар сув ва ердан фойдаланишлари мумкинлиги маълум қилинди. Бунда сувдан фойдаланиш жамият ҳисобидан бўлиши, сув ҳақи эса ҳосилнинг ярмини бериш ёки нақд пул шаклида тўлаш йўли билан амалға оширилиши кўрсатилди. Ер олмоқчи бўлган ижарачиларға ўртача 6 десятинадан ер бериш ваъда қилинди. Шунингдек, ўзлаштириладиган ерларнинг 50% га пахта, қолганлариға эса буғдой, арпа, беда ва бошқа экинларни экиш, ижарачилар ўртасида боғдорчилик, сабзавотчилик, узумчиликни ривожлантириш муҳим масала этиб белгиланди [42].

1916 йил 20 май куни «Шеробод» акционерлик жамияти бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда С.П.Максимов сўзға чиқиб, Туркистон аҳолиси ўртасида жуда катта ҳурматға эға бўлган зиёли Шерали Лапинни ишлар Бошлиғи ва жамият корхонаси Бошқарувчисининг маиший, ҳуқуқий, ер, кўчиш ва Бухоро ҳукуматининг аҳоли билан алоқаларини тайёрлаш масалалари бўйича Катта агенти лавозимиға тайинлашни таклиф қилди. Унинг таклифи маъқулланди ва Бошқарма номидан Шерали Лапинға таклифнома хати юборилди. Лапинға йиллик 6 минг рубл иш ҳақи, аҳоли саводхонлигини ошириш бўйича амалий машғулотларни

бошқарганлик учун кўшимча равишда 2000 рубл, шунингдек, кейинги икки йил ичида «Шеробод» акционерлик жамиятининг янги ўзлаштириладиган ерларига аҳолини кўчириб келтирса, жойлаштирилган ҳар десятина ерга 1 рублдан берилиши, жами йилига 10000 рублга етадиган пул берилиши таклиф қилинди. Агар Шерали Лапин бу таклифга рози бўлса, унга 1916 йил учун 8000 рубл, кейинги 1917-1918 йилларда 18000 рублдан йиллик иш ҳақи тайинлаш тўғрисидаги қарор тасдиқланди. Бундан ташқари, жамиятнинг кредит-коммерция бўлими мудури лавозимига Верешчагин таклиф этилиб, унга 6000 рубл иш ҳақи тайинланди [43].

1916 йил кўкламида концессиянинг маданий-саноат марказига айлантирилиши режалаштирилаётган Навшаҳарда кенг кўламли қурилиш ишлари бошланиб кетди. С.П.Максимов Навшаҳар станциясидаги ишларни шошма-шошарлик билан битказмаслик учун ишлар Бошлиғига қуйидаги кўрсатмаларни берди:

Ташкилот бошқарувчисининг уйи 90 кв. сажен, бўлим бошлиқлари уйлари 60 кв. сажен, катта хизматчиларга 32-40 кв. сажен, ўрта хизматчиларга 18,20,25 кв. сажен этиб белгиланди. Улардан бошқарманинг вақтинчалик биноси, 4 та икки квартиралар уй, 8 та тўрт квартиралар уй, ҳаммом, казарма, йигитлар ва полиция учун уй, касалхона, гараж, бараклар*, омборхоналар, отхоналар, дўкон, карвонсарой, айвонлар, деворлар, тажриба майдони биносини зудлик билан қуриш керак. Бу ишларни бажариш, Навшаҳарга сув олиб келиш, қурилиш материалларини сотиб олиш ва ишчиларга иш ҳақи бериш учун инженер Кельтсерга 300 минг рубл маблағ ажратилсин. Шундан 150 минг рубл апрел ойида, қолган 150 минг рубл май ойида ўтказилсин [44].

С.П.Максимовнинг розилиги билан ишлар Бошлиғи ва Шеробод корхонаси бошқарувчисига 100 минг рублгача бўлган қурилиш ишларини олиб бориш учун шартнома тузиш, бошқа ҳолатларда 25 минг рублгача бўлган ишларни 1 йил ичида бажариш ҳуқуқи берилди. Умуман олганда, 1916 йил 1 июнига қадар жамият ишлари учун 677067 рубл 65 тийин маблағ сарфланди [45].

«Шеробод» акционерлик жамияти одамларни ўз ташкилотига жалб қилиш, уларнинг турмушини яхшилаш, маданий-оқартув ишларини йўлга қўйиш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширди. Чунончи, 1916 йил 24 июлда Термизда Фокс кўчасидаги Миловский уйида Шеробод концессияси ўз ишчи-ходимлари учун ошхона-ўқув хонасини очди. Унинг иш вақти: тушлик соат 13.00 дан 17.00 гача; кечки овқат соат 8.00 дан 23.00 гача этиб белгиланди. Ўқув зали ва шахмат-шашка ўйналадиган хоналар соат 19.00 дан 1.00 га қадар очиб қўйилди. Тушлик нархи – 2 овқатга 60 тийин, ойига 18 рубл, 3 овқатга 80 тийин, ойига 22 рубл этиб белгиланди. Бир стакан чой текин қилинди. Кечлик 40 тийинлик навбатчи овқати ва ҳарбий кенгаш ошхонасидаги қиммат бўлмаган порцияли овқатдан ташкил топди. Истовчилар тушликни ўз идишига олиб кетишига руҳсат берилди. Бир шўрванинг баҳоси ойига 8 рубл қилиб белгиланди. Ошхонадаги буфетдан салқин ичимликлар, чой ва бутерброд берилган. Ошхонада спиртли ичимликлар ва карта ўйнаш таъқиқланган, мижозлардан тозалик ва тартиб талаб қилинган [46].

Шунга қарамай, вазият жуда оғир эди. Жаҳон уруши бор кучларни сафарбар қилишни талаб қилар, ишчи кучи, малакали кадрлар, техник жиҳозлар етишмас эди. Аксига олиб иш ҳақи пасайиб, нарх-наво кўтарилиб кетди. Қолаверса, 1916 йил 20 августда Туркистон генерал-губернатори генерал-адъютант Куропаткин томонидан чиқарилган 216-сонли буйруғига кўра, Туркистон ўлкасида яшовчи 34 ёшгача бўлган барча русийтилли эркалар аскарликка чақирилиши белгилаб қўйилди. 15 ёшига қадар Бухоро ва Хива хонлиқларига кўчиб келган руслар яқин жойлардаги чақирув участкаларига ёзилиши шарт қилиб қўйилди [47].

Ташкилотни оғир аҳволдан чиқариш учун ижрочи-директор С.П.Максимов 1916 йил 16 июндан 15 октябрга қадар Петроград, Тошкент, Верний шаҳарларида бўлди. Жамият иши учун зарур бўлган мутахассис кадрлар ва техник жиҳозларни излаштирди. Лекин Максимов таклиф қилган ойликка ҳеч ким рози бўлмади. Қолаверса, гидротехник жиҳозлар ҳам етарли эмас эди. Термизга қайтиб келганида 1916 йил январида ишлаган 49 нафар техник, санокчи, чизмачи,

конторачидан 22 киши қолганлиги маълум бўлди. Олий ўқув юртларига ўқишга кирган 6 нафар талабани ҳам ҳисобга олганда 21 нафар ёки 50 % ходим ишдан бўшаб кетган эди. Бўшаганларнинг 4 нафари ҳарбий хизматга чақирилган, 5 киши ҳарбий ўқув юртлари ёки гидротехника ишларига кетган, 6 киши ўз ихтиёри билан, яна 6 киши Ишлар бошлиғи томонидан бўшатирилган эди. «Шеробод» акционерлик жамиятини мудофаа учун зарур корхоналар рўйхатига киритиш ҳаракати ҳам натижа бермади [48].

Навшаҳардаги қурилишлар сув келмаганлиги эвазига кечиккан, уни олиб келиш учун 5 верстлик эски ариқ тозаланган ва қўшимча 4 верст ариқ қазилган эди. 52 кв. сажен барак, маҳаллий аҳоли учун 32 кв. сажен майдонга эга барак, ишчилар учун вақтинчалик бараклар ва отлар учун айвон қурилган эди. Материаллар учун омбор қурилиши бошланган, оҳак, гишт, тош келтириш йўлга қўйилган эди. Термиздан Навшаҳаргача 25 верстлик телефон линияси тортиб келиниб, 11 та аппарат ўрнатилди. Ишчиларни жойлаштириш учун 1916 йил 20 сентябрда Термизда 26 та уй ва 4 та квартира ижарага олинди. Қимматбаҳо қурилиш жиҳозларидан 5 верстлик дековил темир йўл изи (вагонетка юрадиган муваққат тор изли темир йўл) ва нефт двигатели сотиб олинди. Петрограддан темир ва дарахт қирқадиган ускуналар келтирилди [49].

«Шеробод» акционерлик жамияти бўлғуси ишчи-ходимларини шакллантириш мақсадида Термизда ўзининг тайёрлов мактабини очди. 1916-1917 ўқув йилида мактаб ишларига 2760 рубл маблағ ажратилди. Унда ўқимокчи бўлган кишиларга чегирмалар белгиланиб, ўқиш ҳақи пасайтирилди [50].

Шу тариқа, 1916 йил бошларига келиб концессия қисман бўлсада ишга тушди. Навшаҳарда қурилишлар авж олди. 1917 йил 15 апрелида бу ерда қурилаётган заводга Нью-Йоркдан 13700 долларга Munger русумли пахта преслаш ускунасини олиб келиш учун Э.А.Грабовский фирмасига буюртма берилди [51].

Жамият гидротехник иншоотларини қуриш ва ўзлаштирилиши мўлжалланган ерларни ўрганишга алоҳида эътиборни қаратди. Оғир вазиятга қарамай, 1917 йил давомида (14 ноябр ҳолати бўйича) 38400 десятина, 1916 йил билан қўшганда 75200 десятина ер майдони ўрганилди. Шундан сертупроқли ерлар – 17000 десятина, қумоқ тупроқли ерлар – 3000, шўралаган ерлар – 7000, шўрхок ерлар – 600, лой-туз ерлар – 800, майин шўрхок ерлар – 7000, туз доғи бор лойли ерлар – 3000 десятина эканлиги аниқланди [52].

Шеробод воҳасида ер кўп бўлишига қарамай сув оз. Лалми ерларнинг кўплиги ҳудудда ғаллачиликни ривожлантиришга имкон беради. Фақат пахтачиликни эмас. Шу боис 1916 йилда Шеробод беклиги ерларининг 13,6 фоизида пахта экилган. Шеробод воҳасига ариқ қазиб сувлаш мумкин, лекин Шеробод чўлида сувнинг йўқотилиши 70% гача бўлиши мумкин. Ҳатто энг яхши ирригация тизимида ҳам 30% гача сув йўқотилади. Шундан келиб чиқиб, инженер С.К.Кондрашев Сурхон воҳасида тажриба тариқасидаги илк йирик суғориш каналларини айнан Денов беклигида қуриш, Шерободда эса мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, эски ариқларни қайта таъмирлаш йўли билан далаларни сувлашни таклиф этади. Унинг бундай дейишига Сурхон дарёсининг юқори қисмида навбатсиз суғориш туфайли ортиқча сув тўпланганлиги, оқава сув эса ўз навбатида Сурхон дарёсига бориб қуйилиб, ўз йўлидаги каттагина майдонларни ботқоқликка айлантираётганлиги асос бўлган эди [53].

«Шеробод» акционерлик жамияти моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун кўплаб иш ҳайвонлари, от-арава ва жиҳозлар сотиб олди. Навшаҳар, Арпапоя, Термиз (отхона)да концессия ихтиёрида 58 та от-арава, 2 та салт от, 35 туя, 32 бош эшак, 18 бош буқа, 28 та арава, 23 та бричка (тўрт оёқли арава), 6 экипаж, 1360 пуд ем-хашак бор эди. 1917 йил 1-сентябрда С.П.Максимовнинг 1085-сонли буйруғи билан ташкилот 560000 рубл пулни Шимолий Суғурта Жамиятига (Северная Страховая общество) суғурта сифатида ўтказди. 1917 йил 10 октябрда экскаватор сотиб олиш учун 135000 рубл, дековилка олиш учун 35000 рубл, бошқа чиқимлар учун 42000 рубл, жами 215000 рубл маблағ йўналтирилди. 1917 йил 1 ноябр ҳолати бўйича концессия бошқарувига 224000 рубл, бутун ташкилотга 2175600, жами 2400000 рубл чиқим қилинди [54].

Ташкилот ишчиларининг қаттиқ меҳнати туфайли 1917 йил декабрга қадар Навшаҳарда бирварақайига 60 минг дона ғиштни пиширадиган хумдон ва 4000 пуд оҳакни қуйдирадиган печ, бирта нефт билан ишлайдиган тегирмон, машина бўлими, электр мослама хонаси қурилди. 17 та телефон аппарати сотиб олинди. Телефон-сим тармоғининг узунлиги 80 кмга етди. Олиб келинган автомобилнинг юриши 2000 кмга тенг бўлди [55].

Мамлакатдаги оғир вазият, нарх-навонинг кўтарилиши жамият ишчиларининг моддий аҳволини мураккаблаштириб қўйди. Ишчилар ўз иш ҳақлари оширилишини талаб қилдилар. Натижа бўлмагач, 1917 йил октябр ойининг бошларида жамият ишчилари томонидан иш ташлаш ўтказилди. Фақат Ишлар бошқарувчисининг саъй-ҳаракатлари билан иш ташлаш тўхтатилди ва ишчилар ўз иш жойларига қайтдилар.

Ташкилотда юзага келган қийинчиликлар нафақат ишчи-ходимлар, балки жамият раҳбариятининг кайфиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди. 1917 йил 25 октябрда ҳокимият тепасига келган большевиклар мамлакатда совет тузумини ўрнатиш ва хусусий мулкни тугатиш бўйича қатор ишларни амалга оширишга улгуришган эди. Термизда чаласавод солдат ва ишчилардан иборат совет маъмурлари билан ишлаш оғирлигини тушуниб етган Г.Б.Розенберг ва С.П.Максимов тезда кетиб қолишни афзал кўришди [56].

Мамлакатда бошқарувнинг алмашилиши «Шеробод» акционерлик жамиятининг ишига ўз таъсирини кўрсатди. Темир йўл транспортидаги оғир аҳвол ва маблағ етишмаслиги иш ҳажмини қисқартиришни талаб қилди. Жумладан, Занг ариғини тозалаш учун экскаваторларни келтиришда жиддий қийинчиликлар пайдо бўлдики, булар қуйидагиларда ўз аксини топди:

1. Малакали мутахассислар топишдаги қийинчиликлар;
2. Транспорт тизими тўлиқ ишдан чиқиши натижасида ёқилғи келтиришнинг иложи йўқлиги;
3. Жамият ишчи ва ходимларини озиқ-овқат билан таъминлашдаги қийинчиликлар;
4. Юк ҳайвонлари учун хашак топишнинг иложи йўқлиги;
5. Зарур бўлган материалларни йиғишдаги қийинчиликлар [57].

Большевикларнинг «Шеробод» акционерлик жамиятини мустамлакачилик хусусиятига эга ташкилот сифатида ҳисоблашлари концессия тақдирини ҳал қилди. Аксига олиб советлар билан Амир Олимхон ўртасидаги муносабатлар кескинлашуви оқибатида «Шеробод» акционерлик жамияти ходимларининг жуда катта қисми Термиз ва Навшаҳардан кетиб қолган эди. Бошқарувчилар ва ишчи-ходимларини йўқотиб қўйган Концессия 1918 йилнинг августида советлар тазйиқи билан ўз фаолиятини бутунлай тўхтатди. Маҳаллий деҳқонлар эса, жамият томонидан қурилган иморатларни бузиб ташлашди [58].

4. Хулосалар:

Хулоса қилганда, рус концессиячиларининг Сурхон воҳасидаги фаолияти мағлубиятга учради. Бунга маҳаллий деҳқонларнинг ерларини зўравонлик билан тортиб олиниши ва уларни ўзларига қарам қилишга бўлган интилишлари сабаб бўлди. Шу билан бирга, рус ишбилармонлари воҳада замонавий техникани қўллай бошлагани ва ўлка ерларида олиб борган илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш керак. Негаки, бу изланишлар советлар даврида янги ерларни ўзлаштиришда катта ёрдам берди.

Иқтибослар/Сноски /References:

1. Турсунов С.Н., Қобилов Э.О., Пардаев Т.Р., Муртазаев З.М. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Тошкент: Шарқ, 2001. –Б.216. (Tursunov S.N., Kabilov E.O., Pardaev T.R., Murtazaev Z.M. Surkhandarya is in the mirror of history. -Tashkent: Sharq, 2001. –P.216).
2. Кабулов Э.А. Развитие хлопководства в Сурханской долине // Вопросы науки и образования. 2019 год. № 32 (82). –С.18-19. (Kabulov E.A. Development of cotton growing in the Surkhan Valley // Voprosy nauki i obrazovaniya. 2019 No. 32 (82). –P.18-19).
3. Снесарев А.Е. Афганистан. –Москва, 1921. –С. 31-32. (Snesarev A.E. Afghanistan. – Moscow, 1921. –P.31-32).

4. Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений. Том 1. СПб., 1902. –С. 421-425. (Collection of current treatises, conventions and agreements. Volume 1. –SPb, 1902. –P. 421-425).
5. Логофет Д. Н. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. –СПб, 1909. –С. 14. (Logofet D.N. Country of lawlessness. Bukhara Khanate and its current state. – SPb, 1909. –P.14).
6. Умаров И. Тарихий демографик жараёнларда Термиз шахрининг ўрни // Сурхондарё: илм ва тафаккур. Илмий мақолалар журнали. №1, 2020. –Б. 75. (Umarov I. The role of the city of Termiz in historical demographic processes // Surkhandarya: science and thought. Journal of scientific articles. No. 1, 2020. –P. 75).
7. Термиз. Буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар. –Тошкент, 2001. –Б.37 (We sweat. Old and new city at the intersection of great roads. -Tashkent, 2001. –P.37).
8. Рожевиц Р.Ю. Поездка в Южную и Среднюю Бухару. Изв. РОГ. Том 44, вып. 9. 1908 г. – С. 598 (Rozhevits R.Yu. Trip to South and Middle Bukhara. Izv. HORN. Volume 44, no. 9. 1908 –P. 598).
9. Умаров И. Влияние материальной культуры на этнокультурные процессы в Сурханском оазисе // Анвори илм тафаккури таърих. Нашри муштарақ. –Панжикент, 2022, № 1. –Б. 199 (Umarov I. Influence of material culture on ethno-cultural processes in the Surkhan oasis // Anvori ilm tafakkuri ta'rix. Nashri mushtarak. –Panjikent, 2022, № 1. –P. 199).
10. Логофет Д. Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том I. СПб, 1911. –С. 37 (Logofet D.N. Bukhara Khanate under the Russian protectorate. Volume I. St. Petersburg, 1911. –P. 37).
11. Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. –Ташкент, 1922. –С. 37 (Remez I. A. Foreign trade of Bukhara before the World War. -Tashkent, 1922. –P. 37).
12. Кабулов Э.А. Место долины Сурхан в торговых сношениях России с восточными странами // Universum: общественные науки: электронный научный журнал. 2015. № 1-2 (12). –С. 9 (Kabulov E.A. The Place of the Surkhan Valley in Russia's Trade Relations with Eastern Countries // Universum: obshchestvenniye nauki: elektronniy nauchniy jurnal. 2015. № 1-2 (12). –P. 9).
13. Ремез И. А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. –С. 8 (Remez I. A. Foreign trade of Bukhara before the World War. –P. 8).
14. Гаевский И. Курган-Тюбинское бекство //Известия Русского географического общества. T.LV. 1919-1923 гг. Вып. II. М., Пг., 1924. –С. 44 (Gaevsky I. Kurgan-Tyube Bekstvo // Izvestiya of the Russian Geographical Society. T.LV. 1919-1923 Issue II. M., Pg., 1924. –P. 44.)
15. Хидиров Х.Д. Ўзбекистонда транспорт соҳаси: натижалар ва муаммолар (XX асрда Сурхон воҳаси мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Термиз, 2021. –Б. 18 (Khidirov Kh. D. Transport sector in Uzbekistan: results and problems (On the example of Surkhan oasis in the XX century). Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in History. –Termiz, 2021. –P. 18).
16. Турсунов С., Қобилов Э., Муртазов Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 426 (Tursunov S., Qabilov E., Murtazoev B., Pardaev T. History of Surkhandarya. - Tashkent: Sharq, 2004. – P. 426).
17. Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: О'qituvchi, 2005. –Б. 214-215 (Kholikova R. Russia-Bukhara: at the crossroads of history. - Tashkent: O'qituvchi, 2005. –P. 214-215).
18. Ахмеджанова З.К. История строительства железных дорог в Средней Азии. (1881-1917 гг).– Ташкент, 1965. – С.83 (Akhmedzhanova Z.K. History of railway construction in Central Asia. (1881-1917). – Tashkent, 1965. – P. 83).
19. Турсунов С Н.Саидов Б. Термиз йилномаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.26 (Tursunov S. N. Saidov B. Yearbook of Termiz.– Tashkent:Sharq, 2001. – P. 26).

20. Логофет Д.И. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. –СПб., 1909. – С. 88 (Logofet D.I. A land of lawlessness. Bukhara Khanate and its current state. – SPb., 1909. – P. 88).
21. Ботиров И.Т. Эски Термиз тарихий манбаларда (XIX - XX аср бошлари). –Тошкент: Фан, 2010. – Б. 18 (Botirov I.T. Old Termiz in historical sources (XIX - early XX centuries). – Tashkent: Fan, 2010. – P. 18).
22. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том 2. СПб, 1911. –С. 91 (Logofet D.N. Bukhara Khanate under Russian protectorate. Volume 2. St. Petersburg, 1911. – P. 91).
23. Мирза Салимбек. Тарихи Салими (источник по истории Бухарского эмирата). – Ташкент: Akademiya, 2009. –С.122-124 (Mirza Salimbek. Tarihi Salimi (source on the history of the Emirate of Bukhara). – Tashkent: Akademiya, 2009. – P. 122-124).
24. Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист. –№ 4, 1941. – С.7-8 (Ryabinsky A. Tsarist Russia and Bukhara in the era of imperialism // Historian-Marxist. –№ 4, 1941. – P. 7-8).
25. Логофет Д.Н. Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние.–СПб.,1909. –С.174-176 (Logofet D.N. Country of lawlessness. Bukhara Khanate and its current state. –SPb, 1909. –P. 174-176).
26. Кабулов Э.А. Развитие хлопководства в Сурханской долине //Вопросы науки и образования.2019. № 32 (82). –С. 18-19 (Kabulov E.A. Development of cotton growing in the Surkhan Valley // Issues of science and education. 2019. № 32 (82). –P. 18-19).
27. Мирза Салимбек. Тарихи Салими. –С.117-120 (Mirza Salimbek. Tarihi Salimi. –P.117-120).
28. Турсунов С.Н. XX аср бошларида Сурхон воҳасида суғориш тизимининг ривожланиши // Ўтмишга назар, махсус сон, 2021. –Б. 26 (Tursunov S.N. The development of the irrigation system in the Surkhan oasis at the beginning of the 20th century // Look to the past, special issue, 2021. –P. 26).
29. Турапова М.Т. Ўзбекистон жанубий хулудларида демографик жараёнлар (XIX асрнинг II ярмидан– XX асрнинг I ярмигача). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.–Термиз, 2021. –Б.56. (Turapova M.T. Demographic processes in the southern regions of Uzbekistan (the second half of the XIX century – the first half of the XX century). Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in History. -Termiz, 2021. –P. 56).
30. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 2-иш, 7-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 2, sheet 7).
31. Рябинский А. Царская Россия и Бухара в эпоху империализма // Историк-марксист, № 4, 1941. –С.8. (Ryabinsky A. Tsarist Russia and Bukhara in the era of imperialism // Historian-Marxist. –№ 4, 1941. – P.8).
32. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 3-иш, 73-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 3, sheet 73).
33. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 2-иш, 30-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 2, sheet 30).
34. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 2-иш, 31-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 2, sheet 31).
35. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 8-иш, 20-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 8, sheet 20).
36. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 3-иш, 33-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 3, sheet 33).
37. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 11-13-варақлар (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 3, sheets 11-13).
38. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 3-иш, 27-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 3, sheet 27).
39. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 3-иш, 16-варақ (State archive of Surkhandarya region, fund 377, register 1, file 3, sheet 16).

40. Моложавенко В. Жаркое солнце Сурхана. Москва: Мысль, 1982. –С. 58 (Molozhavenko V. The hot sun of Surkhan. Moscow: Misl, 1982. –P. 58).
41. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 3-иш, 11, 27-28-варақлар (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheets 27-28).
42. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1- ёзув, 3-иш, 12-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 12).
43. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 35-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 35).
44. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 2-иш, 31-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 2, sheet 31).
45. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 6-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 6).
46. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 1-иш, 10-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 1, sheet 10).
47. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 1-иш, 11-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 1, sheet 11).
48. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 19-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 19).
49. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 20-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 20).
50. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 40-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 40).
51. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 41-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheet 41).
52. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 2-иш, 58-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 2, sheet 58).
53. Кондрашев С.К. Водопользование Ширабадской и Сурханской долин Бухарского ханства с 7 чертежами // Материалы работ гидромодульной части Отдела Земельных улучшений. Выпуск 14. –Москва, 1918. –С. 19-25-28 (Kondrashev S.K. Water use of the Shirabad and Surkhan valleys of the Bukhara Khanate with 7 drawings // Materials of the hydromodule part of the Land Improvement Department. Issue 14. –Moscow, 1918. –P. 19-25-28).
54. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 2-иш, 79-варақ (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 2, sheet 79).
55. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 2-иш, 54-57-варақлар (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 2, sheets 54-57).
56. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 377-фонд, 1-ёзув, 3-иш, 80-85-варақлар (State archive of Surkhondaryo region, fund 377, register 1, file 3, sheets 80-85).
57. Қобилов Х.Х. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ер-сув ислохотлари ва унинг натижалари (1920-1940 йилларда Сурхондарё мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. –Термиз, 2023. –Б. 49 (Kabilov H.Kh. Land and water reforms carried out by the Soviet government in Uzbekistan and their results (on the example of Surkhondaryo in 1920-1940). Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation in History. –Termiz, 2023. –P.49).
58. Умаров И., Раҳмонов Х., Худойбердиев Э. Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (хатакилар уруғи мисолида). –Тошкент. «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти». 2014. –Б.268. (Umarov I., Rahmonov H., Khudoiberdiev E. Ethnic history and ethnocultural processes in the Surkhan oasis (on the example of the xataks seed). –Tashkent: Publishing House of the National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2014. –P. 268).

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 8 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 8

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 8

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000